



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

БРУЦЕЛЛЁЗ КАСАЛЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА ПРОФИЛАКТИКАНИНГ РОЛИ

Азимов Қ.Қ., Хасанова Ш.А., Хажиматов Р.С., Ахмедова Д.У.

Кўкон университети Андижон филиали (КУАФ)

Долзарблиги: Бруцеллез касаллиги ҳозирги кунда ўсиб бормоқда. Шунинг учун касалликни олдини олиш ва бартараф қилишда илмий билимлар ердан беради.

Ўрганиш ўтказилишидан мақсад.

Касалликни олдини олиш чораларини тушунтириш ва ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтказиб туриш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари.

Статистик маълумотлар ва касаллик кўрсаткичларига асосланган ҳолда, касалликнинг асосий келиб чиқиш сабабларини, асосий чораларини тушунтириш.

Натижалар ва муҳокама.

- Биринчи навбатда касаллик безовта қилмаган тақдирда ҳам 1 йилда 2 марта санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг вилоятлар бошқармаларининг Ўта хавфли юқумли касалликлар лабораторияларига қон наъмуналари топшириб туриш керак. Касалликни хроник шаклга ўтиб бутун умр давомида азоблангандан кўра, уни дастлабки босқичларида олдини олиш ёки даволаш анча осон.

- Бруцеллёз касаллиги кўп белгилар билан намоён бўлади ва унинг клиник кўринишлари кўпгина бошқа касалликлар - ўткир иситма билан кечувчи касалликлар, скелет-мускул тизими касалликлари, асаб тизими касалликлари ва сурункали инфекцияларга ўхшаб кетади.

- Бруцеллёз ташҳисида аввал қуйидаги касалликлар - сифатсиз даволанган инфекциялар, тифли касалликлар, туберкулёзнинг ўпка ва суяк шакллари, ревматик касалликлар, нерв тизими касалликлари, гепатит ва жигар-талок касалликлари, малярия ва бошқа паразитар касалликлар билан фарқлаш ва зарурат бўлса даволаш керак.

- Шахсий ва умумий гигиена қоидаларига тўғри риоя қилиш.

- Бруцеллёз касаллиги олдини олишда - ветеринария чоралари ўтказиш мол-қўй, эчки, чўчка каби ҳайвонларни мунтазам текшириш, бруцеллёз аниқланган ҳайвонларни оқибатли йўқотиш ёки алоҳида сақлаш, ҳайвонларни тоза, санитария қоидаларига мос шароитда парвариш қилиш ва ўз вақтида вакцинация қилиб бориш керак.

- Озиқ-овқат хавфсизлигида сут ва сут маҳсулотларини фақат қайнатиб, пастеризация қилинган ҳолда истеъмол қилиш, чала пишган ёки хом гўштлардан сақланиш, бозордан текширилган ва ветеринария назоратидан ўтган маҳсулотларни харид қилиш тавсия қилинади.

- Ишчилар саломатлиги ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишда фермерлар, чорвадорлар, сут-гўшт корхоналари ишчилари қўлқоп, махсус кийим, резина пойфал ишлатишлари, ҳайвонлар билан ишлаганда қўлларни совун билан ювиш, шахсий гигиенага риоя қилишлари, жароҳатланган қўл билан ҳайвон маҳсулотларига тегмасликлари шарт.

- Тиббий профилактикасида бруцеллёзга чалинган ҳайвонлар билан ишлайдиган шахсларни доимий тиббий кўрикдан ўтказиш, зарарланган жойларда санитария-эпидемиология назоратини кучайтириш, эрта ташхис қўйиш ва даволаш муҳим рол тутати.

- Аҳоли орасида тушунтириш ишлари олиб боришда бруцеллёзнинг хавфи ва олдини олиш чоралари ҳақида аҳолига маълумот бериш, хавфли гуруҳлар чорвадорлар, қассоблар, сут корхоналари ишчилари орасида санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш тарғиб қилинади.

- Йилнинг ҳар қандай фаслида асосий эътибор иммунитетни мустаҳкамлашга, организмнинг ҳимоя тўсиғини кучайтиришга қаратилган бўлиши керак.



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

-Тамакй чекмаслик ва спиртли ичимликлар ҳамда наркотик моддаларни истеъмол қилмаслик керак.

-Даволаниш фақат текширилган шифокорлар ҳузурида, қоидалар ва протоколларига риоя қилинадиган шифохоналар ва амбулаторияларда амалга оширилиши керак.

Хулоса: Бруцеллез касаллигини олдини олиш - бруцеллездан қўрқинчли ташхислардан сақланишга, касалликнинг сурункали босқичга ўтиб кетишини олдини олишга ёрдам беради. Касалликни олдини олиш, соғлиққа тўғри ёндошиш, ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиш ва унинг барча тавсияларига амал қилиш, соғлом турмуш тарзидан иборат. Фақат шундай чоралар бруцеллез касаллигининг пайдо бўлиши ва ривожланишидан сақланиш имконини беради.

